



АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ – ЖИНОЙ ОДИЛ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМА

Ж.Ибрагимов

Судьялар олий мактаби тингловчиси

Авваламбор бир инсонни айбли ёки айбсиз деб топиш масаласи жиноий одил судлов фаолиятидаги энг мураккаб ва масъулиятли жараён ҳисобланади. Шахсини жиноят содир этганликда айбли ёки айбсиз эканлигини ҳал этиш ваколати судларга юклатилган бўлиб, судья томонидан шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм эълон қилиш эса унга яна бир қарра масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасининг биринчи қисмида “ Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади” деб белгиланган бўлиб, мазкур норма бир вақтнинг ўзида Конституциявий норма ҳам ҳисобланади.

Чунки, 2023 йил 1 майдан эътиборан амалга киритилган Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 28-моддаси биринчи қисмига кўра жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши қатъий мустақамлаб қўйилган.

Ушбу конституциявий норма ўзининг юридик кучи ва табиятидан келиб чиқиб сўзсиз ижро этилиши шартлигини англатади.

Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган бўлиб, ушбу муҳим ҳужжат қуйидагиларни талаб қилади:

- янги таҳрирдаги Конституциямизни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш;
- унда мустақамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш;
- давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш;
- фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш.

Мазкур Фармонда белгиланганидек, “янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади.



Айбсизлик презумпцияси ўта муҳим аҳамиятдаги умумҳуқуқий норма бўлиб, унга амал қилиш ва қўллаш жиноят процессининг исталган босқичларида устувор аҳамиятга эга ҳисобланади. У жиний одил судлов жараёнида шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим ва ишончли кафолатларидандир.

Худди шу конституциявий норма ёки кафолатга кўра, жамиятдаги қонунийлик, демократия, инсонпарварлик ва адолат даражасига баҳо берилиши мумкин.